

ЧИГИТНИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ЭКИЗ СЛАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ
ЧИКИШИ

№ 73 (5166).

12
АПРЕЛЬ
Ж У М А

1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

20 БУТУНТИФОҚ
КОММУНИСТИК
ШАНБАЛАНК
№ 73 (5166)

Пойтахтимизнинг йиринч қурилиш ташкилотларидан «Главташкентстрой»га қарашли 3-қурилиш трести коллективни ҳар йили қизил шанбаликда фвол иштирок этади. Яқинда коммунист шанбалик муносабати билан трестда умумий йилги бўлиб ўтди. Йилгида умумхалқ ҳашарини намунали ўтказиш учун қатор тадбирлар белгиланди, махсус штаб тўзилди.

БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

20 апрель кунин барча саноат корхоналари, ташкилотлар, муассасалар каби трест ишчи-хизматчилари ҳам беш йилдан бош чиқариб, ушшоқлик билан шанбаликда иштирок этишга қарор қилдилар. Шанбалик трестининг чиндан ҳам коммунист мехнат ташаббусига айлантирилди, — дейди мехнат ва иш ҳақи бўлими беш инженер Тама Гурская. — Шу кунин барча қурилиш бошқармалари бўйсундорлари ўз мехнат постларида бўлилади. Шанбаликда жами 1074 киши иштирок этади. Шу кунин 25 минг сўмлик ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади.

Инженер-техник ходимлар, идора хизматчилари ҳам ҳашардан четда қолмайди. Улар ариқ-зовурларни тозалашди, корхона территорияларини тартибга келтиришди. Коммунист шанбаликдан тузган 4 минг сўмликдан ортқ маблаг эса бевосита беш йиллик фондига ўтказилади.

ЖАМБУЛ НОМЛИ СОВХОЗ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ ЮТУГИ

Чиноз райониданги Жамбул номли қўшчилик совхозин чорвадорлари XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун курашда давлатга кўпроқ семаз қўйишга ва юқори сифатли жун етказиб бериш йўлида астойдил мехнат қилаётган ва бу соҳада йил сайин яхши натижаларга эришмоқдалар.

Совхоз шу йил 10 апрелда қўшчилик халқ хўжалик планини ошириб бажарганини тўғрисида рапорт берди. Планидаги 21 минг 200 ўринга 21 минг 318 та қўшчилик ҳар юз совлиқдан 91 тадан қўшчилик олиниб улар шу кунларда меҳр билан парвариш қилинмоқда.

Пешқадим чўпонлардан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Номзобой Шўйбеков ҳар юз совлиқдан 126 тадан қўшчилик олишга эришди. Обидбек Огабоев 122 тадан, Сотибодил Қошкинбоев 112 тадан, Пердавой Чинаев 115 тадан, Хўрдабой Тўғичбоев 110 тадан, Пўлат Мусиров 111 тадан қўшчилик олиб социалистик мусобақада галиб чиқдилар.

Совхозда давлатга гўшт етказиб бериш биринчи квартал плани анча ошириб адо этилди. 45 тонна ўринга 116 тонна семаз қўйишга тўлиқ қилинди. Оушда аниқлари экин юзасидан берилган топшириқлар ҳам муваффақиятли адо этилди.

Шу кунларда совхоз коллективни жун қирқиш кампаниясига тайёргарлик қилиш билан анча муҳим адо этилди. Қўшчилик учун курашмоқда.

Совхоз чорвадорлари ҳар юз совлиқдан 110 тадан қўшчилик олиш юзасидан қабул қилган социалистик мажбуриятларини албатта бажарамиз, деб айтмоқдалар.

Биз бу йил ҳар йилгидан ҳам фидокорона меҳнат қиламиз, — дейди совхоз директори Р. Саъдуллаев. — Республиканимиз ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, чорвачиликни тинмай ривожлантириш учун курашамиз.

ЧҲПОН А. КҲШКИНБОВ- НИНГ МЕХНАТ ЖАСОРАТИ

Бўстонлиқ райониданги Фрунзе номли колхознинг тажрибдор беш чўпони Обидбек Кўшчибоев бу йил ўз оғирлиқларини ҳар юз совлиқдан 120 тадан қўшчилик олишга аҳд қилган эди. Меҳнатсевар, чорвачилик соҳасида катта таърибага эга бўлган моҳир чўпон ваъдасига вафо қилиб шу кунгача ҳар юз совлиқдан 120 тадан ошириб қўшчилик олишга эришди.

Айдарбек Кўшчибоев қўшчилардан бери Майдонтоб йилловларида жамоат чорвачилигини ривожлантиришда, сов-

МЕХНАТ МУСОБАҚАСИ ДАВОМ ЭТАДИ

САНОАТНИНГ БИРИНЧИ КВАРТАЛДАГИ ИШ ЯҚУНЛАРИ
ИВАНОВО ТОШКЕНТ

Биринчи кварталда саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 44,6 миллион сўмлик ёки 4 процент ошди. Махсулот тайёрлаш ҳажми ортининг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини юксалтириш ҳисобига эришилди.

Умуман махсулот реализация қилиш квартал плани 20,3 миллион сўмлик ёки 1,5 процент, муқобил планлар ҳисобга олинганда 12,8 миллион сўмлик ёки 0,9 процент ошириб бажарилиди.

Область тўқимачилари январь-март ойларида муқобил план бўйича 5,2 миллион сўмлик махсулот реализация қилишлари керак эди, аслида эса 14 миллион 750 минг сўмлик махсулот реализация қилинди.

Машинасозлик ва металл ишлаш корхоналари коллективлари реализация топширигини 2,4 миллион сўмлик, муқобил планлар ҳисобга олинганда эса 1,5 миллион сўмлик ошириб адо этилди. Тўқувчилик трести бўйича қўшчилик 500 минг сўмлик ва 524 минг сўмлик, трикотаж саноати бирлашмаси бўйича 180 ва 242 минг сўмликни ташқил қилди.

Квартал планиданги ташқир тўқимачилик саноати учун 1,2 миллион сўмлик технология асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмлар, 25 та тўқув станогин, 18 тонна сунъий бўёқлар, 675 тонна тола, 4 миллион погон метрдан кўпроқ газламалар, 928 минг сўмлик тўқувчилик буюмлари ва бошқа қўшчилик махсулотлар ишлаб чиқарилиди.

Меҳнат унумдорлигини ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 4,2 процент ошди. Меҳнат унумдорлигини енгил саноатда, шу жумладан тўқимачилик саноатидан ортин 4,1 процентини, озиқ-овқат саноатидан эса 2,4 процентини ташқил қилди.

Айни вақтда 17 корхона реализация бўйича март ойи планини ва 10 корхона квартал планини бажаришнинг улдасидан чиқмади. Уларнинг умумий қарзи 2,3 миллион сўм ва 3,8 миллион сўмга етди. Белгилангандан 17 та металл қирқиш станогин, 607 минг сўмлик бўйиш-пардозлаш асбоб-ускуналари, 65 та тараш машиналари, 16 та экскаватор, 26 минг жуфт чарм пойфазла кам ишлаб чиқарилиди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича биринчи квартал плани бир процент ортинг билан адо этилди.

ЎРТОҚ К. Т. МАЗУРОВГА МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 10 апрелда Кремлда КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуровга Ленин ордени ҳамда Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг «Ўроқ ва Бола» олтин медалини топширди.

К. Т. Мазуров Коммунист партия ва совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ҳамда тузилган кўнига олтиш йил тузилган муносабати билан СССР Олий Совет Президиумининг Фармонида буюн шу юксак мукофотга сазовор бўлди.

Мукофотларни топшириш маросимда Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, А. А. Гурков, В. В. Гришин, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, Д. С. Полянский, М. А. Суслон, А. Н. Шеленин, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, Н. В. Капионов, К. Ф. Катусев ўроқлар ҳозир бўлдилар.

Н. В. Подгорний мукофотни топшира туриб, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан К. Т. Мазуровни ҳаётидаги шонли сава билан самимий қўтлади.

КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитет Сийсий бюроси номидан, Олий Совет Президиуми ва Совет ҳукумати номидан, бу ерда ҳозир бўлган ҳаммамизнинг номидан сени яна бир бор самимий қўтаймиш, сенига сизат-саломатлик, бахт, ватанимиз бахт-саодати йўлида, Коммунист партия ва унинг XXIV съезди қўйган вазифаларини ҳал қилишда катта муваффақиятлар тилаймиз.

К. Т. Мазуров жавоб сўзидан ўз меҳнатига юксак баҳо берилганини учун КПСС Марказий Комитети, Олий Совет Президиуми ва Совет ҳукуматининг табриномасида ўз шайига айтилган самимий сўзлар учун партиямиз Марказий Комитети Сийсий Бюросига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига чўқур миннатдорчилик изҳор этди.

Менинг учун, деб сўзини давом эттириб К. Т. Мазуров Коммунист партия ва совет халқи ишига хизмат қилишдан қўра юксак бурч бўлиб, Партиядаги ишларга шу қадар юксак баҳо берилганидан гоҳ миннатдорман. Мен 30 йилдан кўпроқ вақтдан буюн партия органларида ишлаб келмоқдам. КПСС Марказий Комитети ҳозирги составининг ва партиямиз Сийсий бюросининг аъзоси бўлганимдан айниқса бахтирман.

Бўларнинг ишчи ҳаммамизнинг зўр ҳурматимизга сазовор Леонид Ильич Брежнев йўналириб турибди.

Ватанимиз юксак мукофотини ола туриб, бутун кўчимни бундан буюн ҳам Коммунист партия ишига, халқ бахт-саодати йўлидаги ишга бағишлайман, мамлакатимизда коммунист жамият қуришнинг партиямиз ишлаб чиққан улусвор планларини амалга ошириш устидан ишлайман, деб сўзларини ишонтираман.

Коммунист партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари К. Т. Мазуровни ватанимиз юксак мукофоти билан самимий ва дўстона табриқладилар. (ТАСС).

ХАФИЗ АСАД МОСКВАГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг тақдирига буюн Араб социалистик уйғошнинг партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг президенти Хазиф Асад Сурия партия-хукумат делегациясига бош бўлиб 11 апрель кунин расмий визит билан Совет Иттифоқига келди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Мудофая министри, Совет Иттифоқи маршали А. А. Гурков, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов самолёт пиллапоеси ёнида Хазиф Асадни самимий қўтиб олдилар.

Сурия Араб Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромда Хазиф Асадни СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. И. Бирюков, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари И. В. Арипов, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгиев, СССР министрлари Е. Е. Алексеевский, Б. П. Бугаев, П. С. Непорожний, Н. А. Шелюков, СССР Министрлар Советининг ташқи иқтисодий алоқалар Давлат комитети Раиси С. А. Скачков, бошқа расмий кишилар қўтиб олдилар.

Делегация составига кирувчи Сурия Араб Республикасининг СССРдаги элчиси Жамил Шайя, бир қанча мамлакатларнинг СССРдаги дипломатик вазокатхоналари бошлиқлари, Москва олий ўқув юртиларида таълим олаётган суриялик студентлар, Москва меҳнаткашларининг жуда кўп аъзалари аэродромга келган эдилар.

Учин майдонда қурилган кўчлар уч тури-пидедалар, учувчилар ва дегишчилардан иборат факрий қоровул саф торди.

Сурия Араб Республикаси ва СССР давлат гимнлари ижро этилди.

Н. В. Подгорний билан Хазиф Асад совет жангчилари сафиди олдидан ўтадилар.

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўроқлар билан Хазиф Асад машинага ўтирадилар. Қортеж шаҳарга йўл олади.

Бутун йўл бўйи минг-минглар Москваликлардан Сурия Араб Республикасининг президентини самимий ва чин қўнғилдан табриқлаб турдилар.

СССРнинг Суриядаги элчиси Н. А. Мухаммаднов ҳам шу самолётда Москвага келди. (ТАСС).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТУГРИСИДА ШУ ЙИЛ 11 АПРЕЛГАЧА БУЛГАН МАЪЛУМОТ	
(Планга нисбатан процент ҳисобида)	
Чиноз	49,1
Янгийўл	46,0
Қўш Чирчиқ	34,1
Оққўрғон	33,8
Бекобод	25,3
Пискент	20,8
Бўна	19,6
Ўрта Чирчиқ	7,0
Юқори Чирчиқ	2,7
Область бўйича	24,8

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДОН УЧУН МАККАЖУХОРИ ВА САБЗАВОТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТУГРИСИДА ШУ ЙИЛ 11 АПРЕЛГАЧА БУЛГАН МАЪЛУМОТ	
(Планга нисбатан процент ҳисобида, биринчи устун — дон учун мақкажухори экиш, иккинчи устун — сабзавот экиш)	
Калпош	106,8
Чиноз	100,0
Оққўрғон	99,6
Ўрта Чирчиқ	94,1
Бекобод	80,8
Қўш Чирчиқ	76,6
Бўна	61,2
Янгийўл	51,4
Пискент	46,1
Юқори Чирчиқ	42,4
Оржоникидзе	34,2
Охангарон	28,7
Бўстонлиқ	25,6
Область бўйича	66,1

МУСОБАҚА ҲОЛИБЛАРИГА МУКОФОТЛАР

11 апрелда Тошкент областидаги қўшчилик социалистик мусобақа илгоридаги кўрақларда СССР орденлари ва медаллари яриқриди. Улар 1973 йилги план ва зиммалариданги социалистик мажбуриятларини тўла ва ошириб бажарганликларини ушшоқ мукофотларга сазовор бўдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний

М. Матчонов Чирчиқ ва Олма-Атдаги химия, металлургия, машинасозлик, енгил саноат ва бошқа саноат ходимларига мукофотларни топширди. У мукофотланганларини самимий қўтлади. Уларга сизат-саломатлик, майдолик меҳнат вахтасида муваффақиятлар тилади.

Йилгида Тошкент области партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов озиқ-овқат саноати, енгил саноат ва халқ хўжалиги бошқа саноат тармоқлари ходимларининг социалистик мусобақаси ғолибларига орден ва медаллар топширди.

Бекободнинг илгори ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларига ҳукумат мукофотларини Тошкент области партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Оқунский топширди.

Мукофотланган кишилар

қилган меҳнатларига берилган юксак баҳо учун коммунист партия ва совет ҳукуматига сиздиқидан миннатдорчилик билдирдилар. беш йиллигини белгилувчи тўртинчи йилда муваффақиятларини қўлайтиришга, Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб қўтиб олишга ҳаракат қилажакларини айтдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ БЕЛГИ- ЛАГАН САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНЛАРИНИНГ ФОРМАСИ

СССР Олий Советига сайловлар юзасида	
САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ	
« — » 197 — йил	
Иттифоқ Советига сайлов ўтказиладиган	
— нчи — округ	
Сайлов бюллетенида ўзингиз ёқлаб овоз берадиган БИР номзоднинг фамилиясини қолдириб, бошқаларини ўчиринг.	
Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми	Депутатликка номзоди ким томонидан кўрсатилади.
Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиясининг раиси	

СССР Олий Советига сайловлар юзасида	
САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ	
« — » 197 — йил	
Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасида Миллатлар Советига сайловлар ўтказиладиган	
— нчи — округ	
Сайлов бюллетенида ўзингиз ёқлаб овоз берадиган БИР номзоднинг фамилиясини қолдириб, бошқаларини ўчиринг.	
Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми	Депутатликка номзоди ким томонидан кўрсатилади.
Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиясининг раиси	

СССР Олий Советига сайловлар юзасида	
САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ	
« — » 197 — йил	
Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасида Миллатлар Советига сайловлар ўтказиладиган	
— нчи — округ	
Сайлов бюллетенида ўзингиз ёқлаб овоз берадиган БИР номзоднинг фамилиясини қолдириб, бошқаларини ўчиринг.	
Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми	Депутатликка номзоди ким томонидан кўрсатилади.
Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиясининг раиси	

БУГУН—КОСМОНАВТИКА КУНИ

ЯНГИ ПАРВОЗЛАР САРИ

БИРИНЧИ ЮЛДУЗ



Биринчи космонавт Юрий Алексеевич Гагарин.
В. Чередицев фотосп. ТАСС фотохроникаси.

Мен унинг суратига боқаман-Хиёл қисқ, қақнаб турувчи кўзлар, жилмайишга мойил оғзи, ўша вақтда ҳаёлий бўлиб туюлган унинг гермошлемиданги СССР деган ҳарфлар...

Асрлар ўтади, бир даврнинг ўрнига бошқалари келади, бизнинг космик йўллариниз узаяди ва космик техника бериб тақомиллашадиган, бироқ 1961 йилининг 12 апрели кунини шухратли инсоният тарихида ҳеч қачон сўймайд. Наврара ва эваралар совет халқининг улкан ғалабаларига тўғр бўлган бизларга ҳавас қилишадиган.

Звездний шаҳарчасида жасоратнинг муқаддас, тақдирламас ёдгорликлари тўпланган музей бор. Шойига ўхшаш газ-модалдан тикланган иссиқдан сақланувчи Гагарин кийган косм. СССР Мудофаа министрининг унга навабдан ташқари ҳарбий унион — майор унионини бериш тўғрисидаги буйруғи. Бу ҳужжатда шундай сатрлар бор: «СССР Ҳарбий Ҳаво Кучларининг космонавти Юрий Алексеевич Гагарин йўлдош кемада инсоннинг космосга биринчи йўлини очиб бериш учун космик бўшлиққа юборилди». «Хўжанинг чексизда Авиация Вон маршали К. А. Веринининг қўйидаги резолюцияси бор: «Эр. Каманинга» Бу буйруқ ўр. Гагаринга эълон қилинганми, йўқми, текшириб кўринг». Шу ерда космонавтининг партия билети, хизмат ҳужжати, охириги хатлари, дипломлари, совгалари, Ой глобуси, карта...

Мен унинг буюмларини кўздан кечирибман, ин соидидаги хатлар ва китобларини ярақлайман, календарь ярақларидидаги ёзувларини ўқийман ва ўша тарихий сатрлардан бир неча минут олдин у айтган сўзлар қулоқларим остида эшитилгандай бўлади. Бу сўзларда Юрий Гагарин тўғрисида намоён бўлади.

«... Менинг бутун ҳаётим ҳаёт бир ўғул ҳаётига ўхшаб турбди. Бутун ўтган умриман

мана шу дақиқа учун яшагандайман, аввал қилган ҳамма ишларимни мана шу дақиқа учун бажаргандайман... Одамзод авлоди орзу қилган нарсани биринчи бўлиб рўйга чиқариш, инсоният учун биринчи бўлиб космосга йўл очиш... Менинг анимамга тушган ваифадан кўра мураккаб ваифани айтишчи... Бу барча совет халқи олдидаги, бутун инсоният олдидаги, унинг ҳозирги кунини ва келажак олдидаги масъулиятдир. Шунга қарамай мен бу парвозга журъат қилсам, шунинг учун журъат қилган бўламанки, мен коммунистман, оркамда ватандошларим — совет кишиларининг мислиси қаҳрамонлик намунаси бор».


У бизнинг орамызда яшарди, бизнинг ҳаммамиз у ҳақда билармиз деб ўйлардик. Лекин аслида шундайми? У бандиқини билдиб биз майда-чуйдаларга унинг ҳаёлини бўлмасликка ҳаракат қилардик. Шон-шухрат баъзан уни ҳаддан ташқари юксак чўққига чиқариб кўрардик, бундан ўзи хафа бўларди. Сир эмас, у билан муолакада баъзан соддалик ва табиийлигини йўқотиб қўйиб, уни балки, ракижтардик. У эса катта ва кичик давлатларнинг ордавлари билан тақдирланиб, фахрли экспортларнинг тўзатилишида юриб, халқ оmmasининг ишончаси, давлат ва ҳукуматлар бошлиқларининг қўл қисниш, ҳамма-ҳаммасини бошидан кечириб, хотинига таажжубланиш шундай дерди: «Биласанми, Валюша, мен бунақа учрашувлар бўлади деб ҳаёлимга ҳам келтирмагандим. Учаман, сўнг қайтиб тушаман деб ўйлагандим, бироқ бунақа бўлишини ўйламагандим...».

Унда талант бор эди. Бу таланти ракетакосмик система-ларнинг бори конструктори академик Сергей Павлович Королёв пайқайди, у Юрийда табиий мардлик, мукамил ақл, ниҳоятда меҳнатсеварлик мужасамлигини кўрди. «Агар у керакли билимга эга бўлса, биз унинг номини энг машҳур олимлар ном орасида эшита-миз» — дерди Королёв.

Звездний шаҳарчасидаги музейни «Аполлон-8»нинг командири Фрэнк Борман қандай эътибор билан томоша қилганлигини, Юрий Гагариннинг парвози асрининг энг катта воқеаси бўлганлиги ҳақида у хайратга тушиб қолганлигини гапирганлигини аслайман. Роберт Кеннедининг телеграммасыда эса мана бу сатрлар бор: «У фантастик мардликка эга одам эди, унинг космосга парвози эса бизнинг ҳаммамизга келажакда инималарга эришишимиз мумкинлигини кўрсатди. У руслар учун ҳам, америкаликлар учун ҳам бир хилда қаҳрамон эди ва иккала миллатини боғлаб турувчи тутун ҳам эди. Биз уни ҳаммаша ёдда сақлаймиз».

Ҳа, бу бўёқ воқеа бўлган эди. 108 минут давом этган биринчи юлдуз парвозида фаининг янги саҳифаси, билимнинг янги соҳаси, одамлар амалий фаолиятининг янги томони очилди. Бу соҳаларнинг ҳаммаси албатта кенг ривожланиди, порлоқ келажакка эга бўлади. 1961 йилининг 12 апрелида инсоният космосга биринчи қадам қўйди. Ундан кейин бош-ла парвозлар бўлди. Қўдратли космик кемалар ўз бортида янги оламларнинг жасур биринчи кашфиётчиларини котиотнинг бўшлиқларида олиб юрадиган вақт келади. Шундай бўлади!

Инженер-полковник МИ-ХАЙЛ РЕБРОВ (АПН).



«Союз-13» космик кемаси нинг командири П. Н. Климух (чапда) ва бортиженер В. В. Лебедев Ю. А. Гагарин номидаги космонавтлар тайёрлаш Марказида тренировка вақтида.



Ю. А. Гагарин номидаги космонавтлар тайёрлаш марказида «Союз» космик кемасининг янги тренажеридида «Союз-Аполлон» кўнша программаси бўйича парвозларга тайёргарлик кўраётган экипажлар тренировка ўтказмоқда. Суратда: тренажер нултида СССР космонавт-учувчилари А. В. Филдиченко (ўнда) ва Н. Н. Руквишников. А. Пушкарев фотолари. ТАСС фотохроникаси.

КОСМИК ТАДҚИҚОТ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ

АПН мухбирининг илтимо сига мувофиқ Ленин мукофоти лауреати, космик бўшлиқнинг ўрганиш ва ундан фойдаланиш бўйича СССР Фанлар академияси комитетининг раиси, академик А. А. Багировнинг космонавтиканинг илмий-техника тараққиётидаги роли ва аҳамияти тўғрисида ҳикоя қилади.

Биз жамият тараққиёти учун кўпроқ истифодалар очиб берадиган фан йўналишларини жадал ривожлантиришга аҳамият бераман. Бундай йўналишларга космик тадқиқотлар ҳам кирди. Космосни ўрганишдан, жумладан космик парвозлардан асосий мақсад бизнинг ўраб турган оламни тобора чуқуროқ билиш, табиатнинг асосий қонуналарини белгилашдир.

Биз ер шароитида олаётган маълумотларимиз ҳозирги замон фанини қаноатлантирмай қўйди. Космик техника ер атрофида, планеталарга бўшлиқда ва бошқа осмон jismlарига ўлчов приборларининг бевосита кириб боришига имконият яратди. Бу техника олимлarga ер юзасида бўлмаган шароитда экспериментлар ўтказишга имкон берди. Космик аппаратлар астрономларнинг иш олиб боришда ҳар хил чуқуридан сод эди.

Космик тадқиқотлар тўғрисида Ер ҳақидаги фан «ердаги» тасаввурларини бошқа осмон jismlарининг табиати тўғрисидаги маълумотлар билан таққослаш имконини берди. Бу ҳол янги илмий ғоялар, гипотезаларнинг вужудга келишини, концепцияларнинг ривожланишини ва конкретлаштирини антивлантиради. Лекин, гап фақат шундагина эмас. Космонавтика илмий-техника тараққиётини кўтарувчи восита сифатида роль ўйнамоқда, ракета-космик техникани, фанини кўнша янги бўлаж ва соҳаларни талқинлаштириш билан боғлиқ бўлган янги конструкция ва инжениерлик ишларини ривожлантиришга кўмаклашмоқда.

Космик техника гайри табиий, бирмунча ноқулай шароитда иш олиб боради, айни чоқда ундан ҳаддан ташқари юксак ишончлилик ва самардорлик талаб қилинади. Бундай талабларни қаноатлантириш турли-туман техника фанлари соҳасида тадқиқотларни жадал ривожлантиришга тақозо эта-

ди. Жумладан, амалий механика, материалшунослик, металл технологияси, химия ва полимерлар физикаси ва ҳоказо фанларини жадал ривожлантириш лозим.

Инсонни космик кемада ва космик бўшлиқда бўлиши ҳамда ишлашини таъминлаш проблемалари жуда хилма-хил. Парвознинг оптимал траекториясини таллаб олиш, ердаги ўлчов комплексларининг космик учун аппаратларидан улкан илмий ахборотларни қабул қилиш олиш ва уларни қайта ишлаш, космик бўшлиқда йўлдошнинг ҳаракатини аниқ прогнози қилиб бериш қабиладар ниҳоятда мураккаб иш.

Ойни ва бошқа планеталарни космик тадқиқ қилиш бошланганига бир неча йил бўлди. Лекин шу орада олинган маълумотларнинг ҳажмининг ўтган ҳамма давларда астрономия кўлга киритган барча маълумотлар билан таққослаш мумкин. Венера атмосферасининг совет автоматик станциялари томонидан тадқиқ қилиниши ва Марсининг сунъий йўлдошлари яратилиши бунга яққол мисол бўла олади. Бу маълумотлар мазкур планеталар атмосферасининг параметрларини ва асосий химия составини пухта аниқлашга, уларнинг магнит майдонларини, еритилганлигини ўлчашга ҳамда Венерада сиртқи jismlарининг характерини баҳолашга имкон берди. Марсини картографиялаш амалга оширилди, бу планетанинг геологик тарихи билан бевосита боғланган структуралари аниқланди.

Элементар зарралар физикаси учун ҳам янги истиқбол очилди. Маълумки, жуда юқори энергиялар шароитида ядро процессларини тадқиқ қилиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Бундай энергиялар дастлабни космик нурларда бор. Юқори энергиядаги космик нурлар зарраларини атом ядролари билан ўзаро алоқа

процессларини ўрганишга бори-тида ионизацион калориметрлар бўлган «Протон» оғир совет йўлдошларини учирши билан асос солинган эди.

Ҳозирроқ космик аппаратлар одамларга бевосита ёрдам келтирмоқда. Ёрта яқин космик бўшлиқ зонасини ўзлаштириш кўнша амалий ваифаларини тўбдан тақомиллаштириш ва бу ваифаларини ҳал этишини соддалаштириш имконини берди. Ўзоқ масофадаги алоқалар бунга мисол бўла олади.

Космин метеорология ҳаётдан мустақкам ўрин олди. У атмосферадаги турғун-тўғри кузатиш имконини берди. Давлатлар ўртасида сунъий йўлдошлардан олинган метеорология маълумотлари билан айир-бошлаш об-ҳавонини ўзоқ муддатли прогноزلаш муаммасини ҳал этиш имконини беради. Бу эса инсоннинг табиат кучлари устидан ҳукмронлик қилиш, табиий офатларга қарши кураш, ҳосилдорлигини ошириш йўлидаги янги бир қадамдир. Космик восталардан навигация учун, ҳаво ва деңиз транспортини диспетчерлаштиришнинг энгиллаштириш учун фойдаланиш имкониятлари очилмоқда.

Ер ресурсларини ўрганиш учун йўлдошларни қўлланниш катта территорияларда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги учун, океанография, геология, гидрология, деңгиз баллиқчилиги учун тўпуроқ ва ўсимлик қатламларининг ҳолатини баҳолашнинг кенг истиқболларини оймоқда. Бундай йўлдошлар тевакар-атрофининг ифлосланишига қарини курашда самарали восита бўлиши мумкин. Улар сув ҳавдалари ва атмосферага санат чиқиндиларининг тапшанишини назорат қилиб боришлари мумкин.

Ҳозир кўлга киритилган ютуқларнинг ўзиди инсониятнинг ерни ўраб турган оламни ўрганиш учун дастлабни далил надаллари ҳисобланади. Космосга пайвандлаш бунга асос солиди. Космик тадқиқотлар дари эндигина бошланди. Бўлгуси ўн йилликлар, шубҳасиз, йирик муваффақиятлар келтиради.

© СССР Олий Совети Президиумининг 1962 йил 9 апрелдаги Фармони билан яқинда биринчи инсоннинг космосга парвози шарафига «Космонавтика кўни» белгиланган. Бу кун ҳар йили 12 апрелда нишонланади. Халқаро авиация федерациясининг қарорига мувофиқ бу кун Халқаро авиация ва космонавтика кўни сифатида ҳам нишонланади.

© 1973 йил 16 январда «Луна-21» совет автоматик станцияси ой юзасига юмшоқ қўнди. Станция оёга «Луноход-2» ўзгирар автомат аппаратни олиб борди.

© СОЦИАЛИСТИК мамлакатларнинг космосни ўзлаштиришдаги ҳамкорлиги Ерининг биринчи сунъий йўлдош учирилган вақтдан бошланди. 1967 йил «Интер-

ФАЗОНИ ЗАБТ ЭТИШ СОЛНОМАСИДАН

космос» программаси қабул қилинди. Бу программага мувофиқ тўққиз социалистик мамлакат (Болгария, Венгрия, ГДР, Куба, Монголия, Польша, Руминия, СССР ва Чехословакия) тўрт асосий йўналиш: космик физика, алоқа, метеорология ва медицина йўналишлари бўйича кооператив ишлар ўтказишга қарор қилдилар.

© СОЦИАЛИСТИК мамлакат-


ларнинг космик бўшлиқни тинч мақсадларда тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлиги программасига мувофиқ 1972 йил 1 декабрда СССР да «Интеркосмос-8» Ер сунъий йўлдоши учирилди. Йўлдош бортида Болгария Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Чехословакия Социалистик Республикаси ва Совет Иттифоқи мутахассислари томонидан тайёр-

ланган аппаратлар ўрнатилган эди.

© КОСМОСНИ ўрганиш ва ундан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорлик системасида Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасида 1972 йил 24 майда тузилган битим муҳим аҳамиятга эга. Инсоннинг космосда учиб ҳавфсизлигини ошириш ва келажакда биргаликда илмий экспериментлар ўтказиш таъминлаш мақсадида томонлар Совет ва Америка космик кемаларини стиковка қилишга имкон берувчи восталарни вужудга келтириш юзасидан ишлар ўтказишга келишиб олдилар. Бошқариладиган кемаларни стиковка қилиш юзасидан биргаликдаги биринчи тажриба 1975 йилда ўтказилмоқчи.



ТАСС фотохроникаси.



МОҲИР ПРОПАГАНДИСТ

КОММУНИСТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Ҳақида унинг ҳикояларини бери-либ тинглашган.

Аловоддин Насриддинов Тошкентдаги Низомий номли педагогика институтини таъмомлаган. У КПСС тарихи, диалектик ва тарихий материализм, сиёсий иқтисод ва бошқа иқтисодий фанларини яхши ўзлаштирар эди. Шунга қарамай масъулиятли тоштинчи бажаришга бироз ҳадиқираб қаради. Ахир, унда пропагандистлик иш тажрибаси бўқ эди-да!

Биллар ўтди. А. Насриддинов ҳам ўқигувчи, ҳам пропагандист сифатида ўсиб ва чиниқди. Бу борада ишнинг му-

вафаярлиги назарий тайёргарлик даражасига, фикрлаш доирасининг кенглигига, пропагандистлик методикасини қандай эгаллаганига боғлиқ эканлиги яхши аниқлади.

Ҳозир А. Насриддинов «Қозғон» ССР 30 йиллиги» колхозда диалектик ва тарихий материализм асосларини ўрганиш мактабига раҳбарлик қилмоқда. Машгулотларда у назарияни ҳозирги замон проблемалари билан маҳкам боғлаб олиб боради, тингловчиларни адабиётларни кўпроқ ўқиб, таҳлил қилиш, консекретлаштиришга ўндайди. Шунинг учун ҳам у пропагандист-

лик қилаётган мактабнинг 21 тингловчиси ўтилган темаларни яхши ўзлаштирмоқда.

Моҳир пропагандист район партия комитети партия сиёсий маориф кабинети ҳузуридаги пропагандистларга методик ёрдам кўрсатиш Совети раисининг ўринбосари ҳам. У жойларда партия ва воқеовол маорифи ўқувини текшириб боради, пропагандистларга тажрибасини ўргатиб, ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатади.

Ҳа, пропагандист бўлиш осон эмас. Бу масъулиятли ваифа кишидан билимдонлигини, тажриба ва кўнгил билан ишлашни талаб этади.

У. ИИЗОВ.



БУГУН ФУТБОЛ БЎЙИЧА МАМЛАКАТ XXXVI ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНАДИ

САЛОМ, ФУТБОЛ!

ЯХШИ НИЯТЛАР БИЛАН

БУГУН футбол бўйича XXXVI мамлакат чемпионати байроғи кўтарилди. Олдинги йилларда бўлгани сингари бу йил ҳам олий лигада 16 та команда футболчилари ўзаро куч сынашди. Улар орасида Тошкентнинг «Пахтакор» командаси ҳам бор. Чемпионат бошланиши арафасида мухбиримиз «Пахтакор» командаси тренери ҲАМИД РАҲМАТУЛЛАЕВ билан учрашиб, футболчиларимизнинг мавсумдод тийғирлиги, командадagi ўзгаришлар ва бу йилги режалар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

КОМАНДАМИЗ футболчилари мамлакат чемпионатида ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрган ҳолда келдилар. Чемпионатга тайёргарлигини бу йил анча олдин бошлади. Тайёргарлигининг биринчи босқичини Термиз шаҳрида ўтказди. У ерда футболчиларимиз машқ қилдилар. Жисмоний жихатдан чиққилар. Маҳаллий командалар билан ўзаро учрашдилар. Дастлаб пахтакорчилар билан Термизнинг «Спартак» командаси ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Кейинроқ Душанбенинг «Помир» командаси билан беллашди. Ҳар иккала ўртоқлик учрашувида ҳам пахтакорчиларнинг кўли баланд келди.

Тайёргарлигининг 2-босқичи Сочи шаҳрида бошланди. У ерда командамиз аъзолари салкам бир ой бўлиб, олий лига командалари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказдилар. «Қайрат», «Черноморец», Воронежнинг «Труд» командалари билан бўлган учрашувларда биз ўз йигитларимизнинг кучли ва кучсиз томонларини яна ҳам аниқроқ пайкаб олдик. Контроль ўйинлари биз учун катта сабақ бўлди.

Чемпионат арафасида тайёргарлигининг учинчи босқичи Тошкентда ўз ичига олади. «Политотдел» колхоз спорт базаси бизнинг иштирокида бўлди. Футболчиларимиз ҳам жисмоний ҳам техник жиҳатдан тайёргарлигини давом эттирдилар. Орада Куйбисевнинг «Крилья Советов» ва Пермьнинг «Звезда» командалари билан ўртоқлик учрашуви ҳам ўтказиди. Бу учрашувларни тошкентликлар ўз кўзлари билан кўришди. Ҳар иккала ўйин пахтакорчилар фойдасига ҳал бўлган бўлса-да, аммо биз айрим ўйинчиларнинг ҳали ҳам майдонда бўшроқ ҳаракат қилаётганликларини кузатдик. Кейинги машқларда мана шу камчиликлар тўла ҳисобга олинди.

Ҳар бир муваффақият машққа, фақат тер тўкиб қилинган машққа боғлиқ эканлигини футболчиларимиз тўла тўшуниб етмоқдалар. Шу боисдан улар ҳар бир машқда актив ва ҳалол иштирок етмоқдалар. Бу одат ўйинчилар маҳоратини оширишга, тажрибаларини ўстиришга ёрдам бермоқда.

Ҳозир команда аъзоларининг ақсари яхши билишлардир. Улар катта футбол даърасига

энди кўникиб келмоқдалар. Олдинги йилларда ёшларимизнинг кўпчилиги олий лига командалари билан бўлган бахсларда сезиларли даражада ўсдилар. Тўғри қабул қилишда, қайта ишлашда ва дарвоза томон йўналтиришда анча аниқликка эришмоқдалар. Бу ўринда команда вазирани Эркин Абдураимов, ёш ҳужумчи Владимир Федоровларнинг маҳоратини алоҳида эслатиб ўтиш керак.

Бу йилги мавсумда пахтакорчилар майдонга бироз ўзгарган составда тушадилар. Командамизга Ростов-Доннинг Армия спорт клубидан марказий ҳимоячи Анатолий Могилъин билан Фрунзенинг «Олга» командасидан ҳужумчи Алмаз Чокморов қабул қилиндилар.

Анатолий Могилъин асли самарқандлик. У 1948 йилда туғилган. Кўп йиллардан бери Ростов-Доннинг Армия спорт клуби командасида марказий ҳимоячи бўлиб ўйнаб келди. Тажрибаси етарли, ҳаракатлари дадил. Чемпионат олдмишқларда ҳам у ўз маҳоратини дуруст намойиш қилди. Ёш ҳужумчи Алмаз Чокморовдан ҳам уқимиз катта. У чаққон, ҳаракатчан ўйинчи, аниқсиз, қанотда тезкорлик билан олға интилади. Ҳар икки яхши ўйинчи пахтакорчилар билан умумий «тил» топишиб олди.

Дублерлар составида ҳам баъзи ўзгаришлар бўлди. Ёш футболчиларнинг халқаро туририда муваффақиятли иштирок этган Рашид Юсупов ва Константин Бранчуков бу йил дублерлар составида майдонга тушадилар. Улар ҳам барча машқларда ва ўртоқлик учрашувларида актив иштирок этиб, мавсумга катта ниятлар билан келдилар.

Олдинги йилда биз олий лигада қолишни асосий мақсад қилиб олган эдик. Бу йил кўрилган тайёргарлики чўқур анализ қилиб, кучли ўлиқка кириш имкониятлари бор демоқдамиз. Яхши ният. Ҳаммамиз шу ниятни динга жо қилиб олган иштирокдамиз. Ҳозир ўйинчиларимиз яхши формада. Дарвозада Покотиллов ва Филатов, ҳимоя Иванков, Басов, Тургунов, Варюхин, Могилъин, Тўлағанов, Ашуров, ярим ҳимояда Иванов, Ан, Корченков, Гоголкин, Яфоров, Болов, ҳужумда Абдураимов, Исоков, Федоров, Ходзипанасиз, Чокморов ва Ермеевлар шай ҳолда турибдилар. Улар ҳар қанчондиган ҳам яхши тайёргарлик кўрган ҳолда майдонга тушмоқдалар.

Жўжалар кўзда саналса ҳам биз оқсозларни эрта баҳордан яхши бугундан бошлаб санайлик. Ҳар бир учрашува биз учун низоҳатда масъулиятдир. Бугунги рақибимиз Ленинграднинг «Зенит» командаси билан биз кўп йиллардан бери куч сынашиб келмоқдамиз. Учрашувларда ўн бир марта биз, ўн бир марта ленинградликлар ғалаба қилишган. Тўрт учрашува дурранг натижа билан тугаган. Шундай бўлса ҳам бугунги учрашууда биз бор имкониятларини ишга солишимиз ва чемпионатни муваффақиятли бошлаймиз.

«ПАХТАКОР» командасининг капитани Эркин Абдураимов катта мақсад билан чемпионатни бошламоқда. У мавсум давомида рақиблар дарвозасига 100-тўшн киритиб, Федотов клубига аъзо бўлишни дилгир тугиб қўйган. Эркин чемпионатга пухта тайёргарлик кўрди. «Крилья Советов» командаси билан бўлган ўртоқлик учрашувида у рақиб дарвозасига иккита тўп киритишга муваффақ бўлди. Суратда: Э. Абдураимов ҳужумда.



ЧЕМПИОНАТНИНГ АПРЕЛЬ ОЙИ КАЛЕНДАРИ

12 АПРЕЛЬ, ЖУМА	21 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА	26 АПРЕЛЬ, ЖУМА
«Аралат» (Ереван) — «Торпедо» (Москва), «Динамо» (Тбилиси) — ЦСКА, «Шахтёр» (Донецк) — «Спартак» (Москва), «Заря» (Ворошиловград) — «Динамо» (Киев), «Днепр» (Днепропетровск) — «Нистру» (Кишинев), «Қайрат» (Олмаота) — «Динамо» (Москва), «Пахтакор» (Тошкент) — «Зенит» (Ленинград) «Карпати» (Львов) — «Черноморец» (Одесса).	«Аралат» — «ЦСКА», «Динамо» К. — «Шахтёр», «Динамо» Тб. — «Торпедо», «Заря» — «Спартак», «Қайрат» — «Зенит», «Пахтакор» — «Динамо» М., «Черноморец» — «Днепр», «Нистру» — «Карпати».	«Динамо» К. — «Аралат», «Шахтёр» — «Заря», «Днепр» — «Пахтакор», «Зенит» — «Нистру», «Торпедо» — ЦСКА, «Карпати» — «Қайрат».
		28 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА
		«Динамо» М. — «Черноморец».

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

О Хоккей бўйича жаҳон ва Европа биринчилигида Чехословакия терма командаси ягона пешқадам бўлиб олди. Чехословакиялик хоккейчилар ўтган кун Совет Иттифоқи терма командаси билан учрашиб муҳим ғалабани қўлга киритдилар.

Учрашувнинг саккизинчи минутада Чехословакия командасининг актив ҳужумчиси Недоманский ҳисобин очди. Шундан сўнг рақибларимиз активлиги яна ҳам ошди. Икки давра давомида улар ҳисобин 6:0 га етказдилар. Учинчи даврада совет хоккейчилари рақиб дарвозасига иккита шайба киритиб ўз дарвозаларидан яна битта шайба ўтказиб юбордилар. Шу тариқа кўпчилигини қизқирган учрашув 7:2 ҳисобида Чехословакия командаси фойдасига ҳал бўлди.


Ушбу кун Швеция ва Финляндия терма командалари ҳам учрашдилар. Ҳисоб 3:3 ҳисобида дурранг натижа билан тугади.

О Бугун Ленинград ва Одесса шаҳарларида жаҳон чемпионатида даъвогар шахматчиларнинг ярим финал мусобақалари бошланди. Даврабонларнинг ярим финал мусобақаси сешанба кун Ленинград шаҳрида расмий суратда оғилан бўлсада, аммо Анатолий Карповнинг бетоблиги натижасида биринчи партия ўйнамади. Бугун Б. Снасский билан А. Карпов ва Т. Петросян билан В. Кортой яримфинал мусобақаларини бошлаб юбордилар.

О СССР Футбол федерацияси «Человек и закон» журналин редколлегияси томонидан олий лига командалари ўйинчиларини таъсис қилинган соврини таъсис қилди. Бу соврин чемпионат давомида энг кам оғохлантирилган олган ўйинчиға берилди.

Бундан ташқари биринчи лига футболчилари учун ҳам туртта соврин таъсис этилди. Бу совринлар рақиб дарвозасига энг кўп тўп киритган команда ва ўйинчиға, энг яхши натижага эришган асосий ва дублерлар составига ва биринчи ўринни эгаллаган командага берилди.

О Югославияда ўтказилган Европа биринчилиги мусобақасида СССРнинг хотин-қиз тенисчилари аjoyиб муваффақият қўлга киритдилар. Улар финалда Венгрия командасини 3:1 ҳисобида магдубията уғритиб, олтин медални қўлга киритдилар.



ЗАФАР ЁР БЎЛСИН

Бугун стадионлар узра ишчиболларнинг кучли ҳақириқлари янгради. СССР футбол чемпионати старт олади.

Биз севимли командамиз «Пахтакор»нинг ўйинларини ҳар доим зўр эътибор билан кузатиб борамиз. Футбол кунлари радиодан ва телевизордан берилаётган репортажларни кўрамиз ҳамда томоша қиламиз.

Репортаждан сўнг ҳар бир ўйиннинг ҳаракатини ўзаро анализ қилиб чиқамиз. Бизда номдор футболчилар оз эмас. Эркин Абдураимов, Владимир Федоров, Тўлағанов Исоков ва бошқа ўйинчилар ҳар доим ғалаба учун жон куйдирадилар. Энди улар ёнига ёш ўйинчилардан Олим Ашуров ҳам қўшилди. Унинг ўйинларини ёш футболчиларнинг жаҳон биринчилигида кўрганимиз.

Бу йил чемпионатни муваффақиятлан ўтказиш учун пахтакорчиларда барча имкониятлар бор. Бугун команда бир ёнда бош чиқарса, майдонда ҳамма ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилса, зафар кетидан зафар кучаверамиз.

М. АЗИМОВ, Оҳангарон районидаги С. Аййи помли 34-мактаб ўқитувчиси.

Ш О В - Ш У В

(ИНТЕРМЕДИЯ)

(Хусан командировкадан қайтайти. Қўлида чемадан Эргаш кутиб олади).

ЭРГАШ — Э, яхши бориб келдиларми? Қийналмадиларми йўлда? Хўш, эшитайин, нима янгиликлар бор, Москвада?

ХУСАН — Янгилик кўп, қайси бирини айтмай?

ЭРГАШ — Футболдан бошлайверинг, футболдан.

ХУСАН — Бу ҳақда очиқ гап, ҳеч нима деймайман. Иш қўлайини кўп бўшамди. Кейин футбол ҳақида нима янгилик ҳам бўларди?

ЭРГАШ — Ия, футболнинг турган биттани янгилик-ку? Мундоқ ҳафсала қилиб Лукинники ёки «Динамо» стадионига ўтмасин-да! Ушбу ерларда доим одам гавжум бўлади, бир соат турсангиз, ҳамма янгиликни опитасиз-қўйсиз.

ХУСАН — Буниси ҳаёлимга келмапти.

ЭРГАШ — Шунақасиз-да, ҳали ҳам бўлса «Пахтакор» стадиони дуруст. Бўлмаса мен бир айланиб келай, бугун тренировка бор эди. Ишчиболлар йиғилди, ҳамма янгиликни ўша ердан биллиб келаман (кетди).

ХУСАН — Тава, буниси қизғин бўлди-ку! Йўқ янгиликни наердан олам. Ёки ёлгонни ростдек қилиб тўқин керакми буларга? (телефон жипитлайди). Алло, лабай. Ҳа, ўзим-ман, раҳмат дўстим. Янгиликлар! Сenga ҳам фақат футбол янгиликларини керакдир, шундайми? Ҳа, бади. Ўлмасиз эшит: «Спартак»дан Хусанов «Пахтакор»га келмоқчи. Ҳа, ўша Галимзян. Кейин биласанми, яна ким? Киевдан Мунтин, Олмаотадан Ёрдабев, Бокудан Шевченко, Тбилисидан Гавашели. Ҳа, ҳаммаси «Пахтакор»га! Натимоз, бу галларни ҳозирча ҳеч кимга айта кўрма. Ўлмасанку. Хўш, хайр (телефон қўлади). Энди кўрамиз, нима бўларми?

(Пауза. Эргаш ҳовлиқиб келади).

ЭРГАШ — Айтдим-ку, ҳамма янгилик «Пахтакор»да бўлади деб. Сен Москвага бориб билмаган нарсаларини шу ердан биллиб олдим!

ХУСАН — Нима экан, ўшангиси босиб ол!

ЭРГАШ — «Спартак»дан Галимзян Хусанов «Пахтакор»га келибди!

ХУСАН — А?

ЭРГАШ — Ҳаммаёқда дув-дув гап-Ишончи ердан сўраб билишибди. Бир одам Москвадан, Федерациядан зўр хабарини олиб келибди. Киевнинг

«ПАХТАКОР» - командаси мамлакат чемпионати бошланиши арафасида Тошкентда Первиз шаҳрининг командаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказиб, 2:1 ҳисобида ғолиб чиқди. Суратда: ўйин пайти.

М. Нуриддинов фотолари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

УЎ БЕКАЛАРИ ДИККАТИГА! АГАР СИЗ ОШХОНАНГИЗДАГИ ПЛИТА УСТИГА ҲАВОНИ ТОЗАЛАЙДИГАН

„БЭВ-1“ ФИЛЬТРИНИ ЎРНАТСАНГИЗ

АЧЧИҚ КЎЮНДИ ИСИ ЎРНИГА СОФ ҲАВО ПАЙДО БУЛАДИ

АТИГИ БИР НЕЧА МИНУТ УТАР-ЎТМАС ОШХОНАНГИЗДАГИ ҲИДАН АСАР ҲАМ ҚОЛМАЙДИ ВА СИЗ МОМАҚАЛДИРОҚДАН СЎНГИ СОФ ҲАВОДАН БАҲРАМАНД БЎЛАНДЕК МИРИЙИБ ЧЎҚУР НАФАС ОЛИШНИНГ МУМКИН.

«БЭВ-1» фильтри фақат ҳавони тозалаш билангина чекланиб қолмасдан, балки унинг корпусига ўрнатилган цевити лампа плитанинг устини ёритиб ҳам туради.

Электрфильтрини фақат таом тайёрлаш вақтидагина ишлатиш тасвир қилинади. Электрфильтр ҳавони зудлик билан ва нормал тозалаш мумкин.

УНИ ТОЛЬЯТТИ ЦАҲРИДАГИ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ЗАВОДИ ТАҲРИРАГАН.

Баҳоси — 72 сўм.

«ИНФОРМАЛЕКТРО» «ТЕЛЕПРЕССТОРГРЕКЛАМА».

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА 12 АПРЕЛЬ КҲ СОАТ 7 ДА СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН ОЛИЙ ЛИГАНING «ЗЕНИТ» (Ленинград) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА **ФУТБОЛ** Билетлар сотилмоқда.

«Ўзбекионцерт» СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА 12, 13 апрель кеч соат 8 да ЛИБАН «КАРАКАЛЛИ» РАҚС АНСАМБЛИНИНГ **ГАСТРОЛЛАРИ** Билетлар кундуз соат 2 дан бошлаб ҳар кун сотилади.

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган **4 ОПЛИК КУРСЛАРГА КАБУЛ** **ЭЪЛОН ҚИЛАДИ** Учулчилар трамвай ва троллейбуслардан текин фойдаланганда 60 сўм стипендия билан таъминланадилар. Елгиз кишилар ётоқхона ва прописна билан таъминланадилар. Справка учун адрес: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 28-ўй.

Ўзбекистон ССР Олғи министрининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» ВОШҚАРМАСИГА катта бухгалтерлар ва катта иқтисодчилар **К Е Р А К** Тошкент шаҳар. Пролетар кўчаси, 4-ўй — Аҳолини ишга joyлаштириш ва информация бюроси ҳамда район иқрофия комитетлари хузуридаги инспекторларга мурожаат қилисин.

Ўзбекистон ССР Қурилиш МИНИСТРЛИГИНИНГ 4-МАСУСТА ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ТРЕСТИГА шартнома ва сметалар бўйича катта инженер ва инженер, катта экономист, меҳнат ва иш ҳақи бўйича инженер, ишлаб чиқариш-техника бўлими, лойиҳа-смета группасининг инженерлари, хўжалик ҳисоби участкаларининг бошлиқлари, лаборатория инженери **К Е Р А К** Тошкент шаҳар. Пролетар кўчаси, 4-ўй — Аҳолини ишга joyлаштириш ва информация бюроси ҳамда район иқрофия комитетлари хузуридаги инспекторларга мурожаат қилисин.